




with the support of the
Erasmus+ Programme
of the European Union

ERASMUS+ IN UZBEKISTAN



Tashkent – 2018

PAWER: MINTAҚALARARO MOBILLIKKA ЎТИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ИМКОНИ- ЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ, СИФАТ ВА ТЕНГЛИГИНИ КАФОЛАТЛАШ.....	87
ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ЭТАПОВ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ПРОЕКТА ERASMUS+ SPHERA “СОДЕЙСТВИЕ ПРОФЕССИОНАЛИЗАЦИИ ОБУЧЕНИЯ В ОБЛАСТИ ПРИКЛАДНОГО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ И СВЯЗАННЫХ СФЕРАХ В АЗИИ”	91
ENVIRONMENTAL PROTECTION IN CENTRAL ASIA (EPCA): DISASTER RISK MANAGEMENT WITH SPATIAL METHODS.....	96
ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ERASMUS+ ДАСТУРИ “INTRAS-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ: АКТ-ГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ” ЛОЙИҲАСИ	99
CLASS: PROSPECTIVE IN DYNAMIC, COMPETITIVE, ECONOMIC WORLD	102
МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОСТЬ – ТРЕНД СОВРЕМЕННОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ ПРОЕКТА ERASMUS+ CLASS).....	107
ПРАКТИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТА ERASMUS+ CLASS: СОСТАВЛЕНИЕ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОГО СЛОВАРЯ.....	110
ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ПРОЕКТА ERASMUS+ ИНОД «УЛУЧШЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТОВ ОКАЗАНИЯ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ ПРИ ХРОНИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ - СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕБНОЙ ПРОГРАММЫ НА УРОВНЕ МАГИСТРАТУРЫ»	113
YEVROPA TADQIQOTCHILIGI VA TA`LIMI: O`ZBEKISTONDA JEAN MONE DASTURI TAJRIBASIGA OID MAQOLA SHOP ETILDI.....	116

3. Involved universities and organizations

The partners/participants involved include 4 EU participants which are Lund University (LU) in Sweden (Coordinating institute), Vilnius Gediminas Technical University (VGTU) in Lithuania, National Technical University of Athens (NTUA) in Greece, and University of Minho (UM) in Portugal, and 4 non-EU partners Urgench State University and Karakalpak State University in Uzbekistan, and Kyrgyz State University named after I. Arabayev and Osh State University in Kyrgyzstan. The choice of partners/participants is motivated by competence and experiences. The partner universities are located in major regional centers. Note that there are existing networks linking many of the partners and participants together. The fact that many of the partners/participants already know each other, and have successfully worked together before, makes management much easier. Multi and intercultural situations in CA also were considered to choose partner universities to provide inter-national friendship. For example, participants from Karakalpak origin work with Uzbeks in Uzbekistan and Uzbeks work with Kyrgyz participants in Kyrgyzstan. All EU participants have substantial expertise in management of large educational and international programs, such as Erasmus Mundus, but also other EU programs like LP, Tempus, and ALBAN. All participant universities have experience in international academic cooperation. Moreover, all EU participants are coordinating or participating in multiple EM programs.

The project also includes an appropriate and diverse range of non-academic, governmental, and non-governmental associated partners, in order to benefit from their different experiences, networks, and specific expertise, and also to strengthen the links to the labor market and to reinforce the systemic impact of the project. They are State Agency of Hydrometeorology under Ministry Of Emergency Situations of The Kyrgyz Republic, Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan, Ministry for Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Labour and Social Security of the Republic of Karakalpakstan, Ministry of Education and Science of the Kyrgyz Republic, Central-Asian Institute for Applied Geosciences.

4. Acknowledgments

The European and Central Asian partners in the EPCA project appreciate Erasmus+ Programme of the European Union for supporting EPCA.

5. References

1. http://www.unisdr.org/files/11641_CentralAsiaCaucasusDRManagementInit.pdf
2. http://www.springer.com/us/book/9789400719620www.adrc.asia/aboutus/vrdata/finalpresentation/2012A_KGZ_frp.pdf
3. <http://dx.doi.org/10.1016/j.sbspro.2014.02.114>
4. <http://www.zef.de/khorezm.0.html>
5. <http://www.ge-uz.eu/?p=3645>

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ERASMUS+ ДАСТУРИ “INTRAS-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ: АКТ-ГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ” ЛОЙИХАСИ

Ахмед Юсупов, Хабибулло Носиров

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Email: ayus@mail.ru

Аннотация: Erasmus+ дастурининг INTRAS лойиҳаси АКТга асосланган Ўзбекистон учун янги интеллектуал транспорт тизимлари магистратура дастурини ишлаб чиқишига бағишланган. Ушбу лойиҳа 2017 йил октябр ойида бошланган бўлиб 36 ой давом этади. Ушбу мақолада лойиҳа ҳақида умумий тушунчалар ва унинг доирасида ўтказилган тадбирлар ҳақида маълумот бериш кўзда тутилган.

Annotation: The INTRAS project of the Erasmus + programme is focused on the development of a new master's program on intelligent transport systems for Uzbekistan based on information and communication technologies. Duration - 36 months, starting from October 2017. This article is intended to provide general information about the project and its activities.

Аннотация: Проект INTRAS программы Erasmus+ ориентирован на разработку новой программы магистратуры интеллектуальных транспортных систем для Узбекистана на основе информационно-коммуникационных технологий. Продолжительность – 36 месяцев, начиная с октября 2017 года. Эта статья предназначена для предоставления общей информации о проекте и его деятельности.

1. Кириш

Кейинги пайтда Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳаларида жадал ривожланиш кузатилаётганини кўришимиз мумкин. Давлатимиз юксалиб, кундан кунга янги кўринишга эга бўлмоқда, аҳолини эҳтиёжини қондириш мақсадида янги йўллар қурилмоқда, эскилари янгиланмоқда. Шу ўринда янгиланаётган транспорт тизимини мукамал равишда ўзлаштириш, бу борада катта тажрибага эга Европа давлатларидан андоза олиш, интеллектуал транспорт тизими соҳасида Ўзбекистоннинг потенциалини ошириш ва етук кадрларни тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

2017 йил октябр ойида бошланган Европа иттифоқининг Erasmus+ дастурининг “INTRAS-интеллектуал транспорт тизимлари: АКТ га асосланган Ўзбекистон учун янги магистратура дастури” лойиҳаси ушбу соҳада магистр мутахассисларни тайёрлашни ташкил қилиш масаласига бағишланган.

2. Асосий вазифалар ва кутилаётган натижалар

Лойиҳанинг асосий вазифалари:

- Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ) бўйича янги магистратура дастурини ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистоннинг университетларининг ИТТ бўйича потенциалини ошириш.

- Ўзбекистоннинг 6 та университетида АКТ га асосланган ИТТ лабораторияларини яратиш.

- Университетлар ва жамоат ташкилотлари / муассасалари / корхоналари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш.

Лойиҳанинг кенгроқ мақсади ИТТ янги авлод муҳандисларини тайёрлаш учун инфратузилма ва тизим яратишдан иборат. Ушбу муҳандислар Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари, саноат ва хусусий истеъмолнинг маҳаллий ва минтақавий транспорт муаммоларини ечишга қодир бўлишади.

Лойиҳадан кутилаётган асосий натижалар:

- Ўзбекистон олий ўқув юртлири учун ИТТ соҳасида янги магистратура дастурини яратиш;

- Ўзбекистон университетлари учун Европа Иттифоқи стандартларига жавоб берадиган 12 та курслардан иборат фанлар ўқув мажмуасини яратиш;

- ИТТ соҳасида тажрибалар ўтказиш учун зарур замонавий воситалар билан жиҳозланган 6 та ўқув-тажриба лабораторияларини яратиш.

Лойиҳада Европадан учта университет, Ўзбекистондан олти университетлар ва тўрт ноакадемик ҳамкорлар иштирок этмоқда: Польша давлатининг Гданск политехника университети – лойиҳа координатори, Австрия давлатининг Клагенфурт Алпен-Адрия университети, Словакия давлатининг Зилина университети; Ўзбекистон олий ўқув юртлиридан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) – миллий координатор, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти (ТАЙЛКЭИ), Тошкент темир йўл муҳандислари институти (ТТЙМИ), Андижон машинасозлик институти, Жиззах политехника институти,

Термиз давлат университети ва Ўзбекистондан тўртта ноакадемик ҳамкорлар - Ўзбекистон Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти акциядорлик жамияти, VIA-Тошкент маъсулияти чекланган жамият ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Жиззах филиали.

3. Семинарлар

2018 йилнинг 12-14 феврал кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетидан лойиҳанинг бошланғич семинари бўлиб ўтди. Семинар доирасида лойиҳа қатнашчилари ҳақида маълумотлар алмашинди, чэт эл университетлари тажрибалари ўрганилиб, ушбу соҳада Ўзбекистондаги ҳолат юзасидан лойиҳа координаторлари ва лойиҳани бажарувчи олий таълим муассасалари вакиллари маълумот бердилар. Лойиҳа мақсадига эришиш учун вазифалар белгилаб олинди, уларнинг бажариш муддатлари, қўйиладиган талаблар юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда музокаралар ўтказилди (1-расм).

2018 йилнинг май-июнь ойларида Польша ва Австриялик ҳамкор университетлар мутахассислари ТАТУ, ТАЙЛКЭИ ва ТТЙМИ га ташриф буюришди. Ташриф давомида меҳмонлар ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари иштирокида ёш олимлари билан семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, университетларнинг лабораториялари билан таништирилди.

Семинарларда лойиҳанинг ижроси муҳокама қилинди. Европалик мутахассислар бакалавр ва магистратуранинг ўқув дастурларини, силлабусларни ва университетларда амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ва магистратура, ҳамда докторлик диссертациялари мавзулари ни ўрганиб чиқишди.



1-расм. Бошланғич семинар

Европалик ҳамкорлар лойиҳани ривожлантириш, янада такомиллаштириш, уни қулай ва ўз вақтида бажариш учун миллий ҳамкорлар фикрини эшитиб ҳулосалар чиқаришди.

Университетнинг элит гуруҳи билан учрашув ташкил этилди. Лабораториялар билан таништириш мақсадида ушбу лабораторияларнинг маъсуллари қисқача маълумотлар беришди (2-расм).



2-расм. Университетларнинг ўқув дастурларини ўрганиш семинари

Лойиха доирасида Гданск технология университетида талабалар учун бир ҳафталик семинар ташкил қилиниши режалаштирилган. Ҳозирги кунда танлов асосида номзод талабалар танлаб олинди.

4. Режалар

Европалик ҳамкорлар тамонидан Ўзбекистон университетларидаги ҳолатни урганиш мақсадида саволнома тарқатилди, унинг натижалари таҳлил қилинди. Ҳамкорлар саволномаларни ўрганиб, олинган маълумотларни ва улар асосидаги тегишли хулосалар 2018 йил октябр ойида бўлиб ўтган лойиҳанинг навбатдаги ишчи семинарида тақдим қилинди.

Семинар натижасига кўра қуйдагиларга келишиб олинди:

1. 2018 йил 1 октябргача Ўзбекистон университетларида лойиҳа йўналиши бўйича мавжуд бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларини таҳлил қилиш.

2. Европа университетлари билан Ўзбекистон университетлари ўқув услубиятини таққослаш.

3. Ташкил қилинадиган янги магистратура мутахассисларнинг бирламчи ўқув фанлари рўйхатини тузиш.